ЛОЙИҲА

# СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

# С С С Р Қ О Н У Н И

Касаба союзлари совет жамияти сиёсий системасининг муҳим бўғини, совет демократияси ва халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқаруви узвий таркибий қисмидир.

Касаба союзлари ўзининг Уставдаги вазифаларини амалга ошира бориб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ифода этиб, ҳимоя қиладилар, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашга, халқ бойлигини кўпайтиришга, турмуш даражасини оширишга кўмаклашадилар, оммани тарбиялаш билан муттасил шуғулланадилар, ишлаб чиқариш ҳамда жамоат ишларини бошқаришга уни жалб этадилар.

Ушбу Қонун давлат, хўжалик, социал-маданий қурилишга доир масалаларни ҳал этишда СССР касаба союзлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини аниқлаб беради, улар ўзларининг Уставдаги вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун зарур кафолотларни белгилайди.

## I боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Меҳнаткашларнинг касаба союзларига бирлашиш ҳуқуқи**

СССР Конституциясига мувофиқ ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, бошқа кооперативларнинг аъзолари, олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ирқидан, миллатидан, жинсидан ва диний эътиқодларидан қатъи назар, ихтиёрий равишда касаба союзларига — жамоат ишлаб чиқаришидаги меҳнат ёки билим юртларидаги таълим билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш учун нопартиявий ташаббускор жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда касаба союз ташкилотларини тузиш ҳамда уларни СССР касаба союзларининг Устави белгилайдиган тартибда тармоқ касаба союзларига бирлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Касаба союзлари аъзолигига қабул қилиш ва касаба союзларидан чиқиш тартиби касаба союзларининг Уставлари билан белгиланади.

Касаба союзларининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор шу союзлар томонидангина қабул қилиниши мумкин.

Касаба союзларига мансублик гражданларнинг совет қонунлари билан гарантияланган социал-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари биронбир тарзда чекланишига олиб келмайди.

**2-модда. Касаба союзларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг принциплари**

СССР касаба союзлари ўз Уставларини мустақил ишлаб чиқиб, тасдиқлайдилар, структурани белгилайдилар, раҳбар органларни сайлайдилар.

Барча касаба союзлари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Касаба союзлари ва уларнинг Уставлари давлат органларида рўйхатга олинмайди.

Касаба союзларининг Уставлари, уларнинг фаолияти СССР Конституциясига ва совет қонунларига зид бўла олмайди.

Касаба союзлари олдиндан давлат органларининг ижозатини олмай йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, съездлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

СССР касаба союзлари бошқа мамлакатларнинг касаба союзлари билан ҳамкорлик қиладилар, ўзлари танлаган халқаро ва регионал касаба союз бирлашмаларига ҳамда меҳнат, турмуш, дам олиш, маданият, спорт, туризм ва бошқа социал масалалар билан, халқаро ишчилар ҳаракати муаммолари билан шуғулланувчи нокасаба союз ташкилотларига аъзо бўлиш, уларнинг фаолиятида қатнашиш, тинчлик ва социал тараққиёт учун, бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари ҳамда касаба союзлари билан бирдамлик учун курашни қўллаб-қувватлаш йўлидаги тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат касаба союзларига ўзларининг Уставдаги вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун шарт-шароитларни гарантиялайди. Давлат ва хўжалик органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар касаба союзларига, уларнинг фаолиятида кўмаклашишлари шарт. Касаба союз ташкилотлари давлат органларига ҳисоб бермайдилар.

**3-модда. Касаба союзларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар**

Касаба союзларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар касаба союзлари, уларнинг ташкилотлари ва органларининг давлат, хўжалик органлари, кооператив ташкилотлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатларидаги асосий ҳуқуқларини белгилаб берувчи ушбу Қонундан, шунингдек, ССР Иттифоқи бошқа қонун актларидан ва иттифоқдош республикаларнинг шуларга мувофиқ нашр этиладиган қонун актларидан иборатдир.

**4-модда. Касаба союзларининг меҳнаткашлар манфаатларини ифода этиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи**

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг, ўқувчи ёшларнинг меҳнат ҳамда социал-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек, меҳнат коллективларининг давлат, хўжалик органларидаги, кооператив ташкилотлар ва бошқа жамоат ташкилотларидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.

Шу мақсадда касаба союзларининг вакиллари ҳеч қандай тўсқинликсиз корхоналарга, муассасалар, ташкилотларга бориш, ўз ташаббуси билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир барча зарур тадбирларни ўтказиш, касаба союзлари ўзларининг Уставдаги вазифаларини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг ҳаракатларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига эгадирлар.

## II боб. Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда касаба союзларининг асосий ваколатлари

**5-модда. Касаба союзларининг давлат ҳокимияти органларини сайлашда қатнашиш ҳуқуқи**

Касаба союзлари СССР халқ депутатларини, иттифоқдош ва автоном республикалар халқ депутатларини касаба союзларидан халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларда белгиланган нормаларга мувофиқ сайлайдилар, территориал ва миллий-территориал сайлов округларидан халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қатнашадилар.

Касаба союзлари ўз депутатларига наказлар берадилар, уларнинг ишлари ва Советнинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайдилар, ўзлари сайлаган, аммо ишончни оқламаган депутатларни белгиланган тартибда чақириб олишга ҳақлидирлар.

**6-модда. Касаба союзларининг қонун чиқариш ташаббусига ва норма яратишга қатнашишга бўлган ҳуқуқи**

Касаба союзлари ўзининг Умумиттифоқ органи — СССР касаба союзлари съезди (конференцияси), Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети (ВЦСПС) орқали СССР ва РСФСР халқ депутатлари съездларида, шунингдек, СССР Олий Советида ва РСФСР Олий Советида, республика касаба союзлари советлари орқали — иттифоқдош республикалар халқ депутатлари съездларида ва Олий Советларида, область касаба союзларининг советлари орқали эса автоном республикалар халқ депутатлари съездларида ва Олий Советларида қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эгадирлар; меҳнатга ва социал-иқтисодий масалаларга доир қонун актларини ишлаб чиқишда қатнашадилар.

ВЦСПС, касаба союзлари марказий комитетлари, советлари меҳнат ва унга ҳақ тўлаш, нарх белгилаш, солиқ солиш, социал таъминот, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш, уй-жой-маиший масалалар ҳамда бошқа масалаларга доир норматив актларнинг лойиҳаларини ҳамда норматив актларни қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, тегишли равишда СССР Министрлар Советига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига, давлат бошқаруви органларига тақдим этадилар.

СССР Министрлар Совети, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳамда бошқа давлат бошқаруви марказий органларининг меҳнат ва унга ҳақ тўлаш, социал ривожланиш хусусидаги қарорлари ВЦСПС билан биргаликда қабул қилинади. Қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат бошқаруви марказий ва республика органлари мазкур масалалар юзасидан қарорларни касаба союзларининг тегишли марказий комитетлари ёки республика советлари билан биргаликда қабул қиладилар.

**7-модда. Касаба союзларининг давлат турмушига оид муҳим масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш ҳуқуқи**

Касаба союзлари қонунларнинг лойиҳаларини ҳамда давлат ва жамоат турмушининг бошқа муҳим масалаларини тайёрлаб, уларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

ВЦСПС СССР Олий Советига ёки СССР Олий Совети Президиумига қонун лойиҳасини ёки бошқа масалани умумхалқ муҳокамасига қўйиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тавсиялар киритишга ҳақлидир.

Касаба союз органлари халқ депутатлари Советлари қарорларининг лойиҳаларини ҳамда давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишга доир муҳим масалаларни аҳоли билан меҳнат коллективларининг муҳокамасига қўйиш тўғрисидаги таклифлар билан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

**8-модда. Касаба союзларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, халқ контроли органлари, меҳнат коллективларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида қатнашиш ҳуқуқи**

Касаба союзлари ССР Иттифоқининг, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви олий органлари фаолиятида қатнашадилар.

СССР касаба союзларидан сайланадиган халқ депутатлари касаба союзларининг наказларини амалга оширишга кўмаклашадилар, меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашга доир таклифларни халқ депутатлари тегишли Советларининг ҳамда давлат бошқаруви органларининг кўриб чиқиши учун тақдим этадилар.

ВЦСПС вакиллари СССР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Совети ҳамда РСФСР Министрлар Советининг мажлисларида, республика ва область касаба союзлари советларининг вакиллари эса тегишли тарзда иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари Президиумлари ҳамда Министрлар Советларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг мажлисларида касаба союзлари ушбу Қонунда, ССР Иттифоқининг бошқа қонун актларида ва иттифоқдош республикаларнинг шуларга мувофиқ нашр этиладиган қонун актларида кўзда тутилган ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш чоғида иштирок этадилар.

Касаба союзлари марказий ва республика комитетларининг вакиллари тармоқ кенгашларининг составига кирадилар, халқ хўжалиги тармоқлари бўйича социал-иқтисодий масалаларни кўриб чиқиш чоғида ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи билан СССР Министрлар Совети ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг мажлисларида, шунингдек, коллегиал тармоқ, тармоқлараро ва кооператив бошқариш органларининг ишида қатнашадилар.

Касаба союзлари халқ контроли органларининг фаолиятида ана шу органлардаги ўз вакиллари орқали ҳам, шунингдек, контролни амалга ошириш борасида улар билан бирга ҳаракат қилиш йўли билан ҳам қатнашадилар.

Касаба союз ташкилотининг вакиллари корхона, ташкилотнинг меҳнат коллективи кенгаши составига сайланадилар. Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети меҳнат коллективининг умумий йиғилиши (конференцияси) ва меҳнат коллективи кенгаши ҳуқуқ доирасига тааллуқли масалаларни уларнинг кўриб чиқиши учун киритиш ҳуқуқига эгадир.

**9-модда. Касаба союзларининг давлат мукофотларига тақдим этиш ҳуқуқлари**

Касаба союзлари ишчилар, хизматчилар, колхозчиларни СССРнинг ва иттифоқдош республикаларнинг Давлат мукофотлари билан тақдирлашга, СССРнинг олий даражадаги унвони ва фахрий унвонларини, иттифоқдош республикаларнинг фахрий унвонларини, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотлари, СССР Министрлар Советининг мукофотларини бериш тўғрисида белгиланган тартибда илтимос қилиб, тақдим этишлари мумкин.

**10-модда. Давлат, кооператив ва хўжалик органларининг касаба союз таклифларини кўриб чиқиш мажбурияти**

Давлат, кооператив ва хўжалик органлари тегишли касаба союз органларининг мазкур Қонунни ва Уставдаги вазифаларни амалга оширишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан киритган таклифларини ҳамда норматив актларнинг лойиҳаларини кўриб чиқишлари, белгиланган муддатларда қарор қабул қилишлари ҳамда ана шу лойиҳалар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уларга хабар беришлари шарт. Касаба союз органларининг вакиллари ўртага қўйилган масалаларни тегишли органлар кўриб чиқишида қатнашишга ҳақлидирлар.

## III боб. Касаба союзларининг меҳнат соҳасидаги ва социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ҳуқуқлари

**11-модда. Гражданларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашда касаба союзларининг ваколатлари.**

Касаба союзлари совет гражданларининг меҳнат қилишга бўлган конституцион ҳуқуқини ҳимоя қиладилар.

СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда аҳолининг иш билан тўла ва самарали банд бўлишини таъминлаш, ишга жойлашиш системасини такомиллаштириш, меҳнаткашлар учун социал кафолатларни таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиб тасдиқлайди.

Касаба союзларининг тегишли комитети ёки советининг розилигисиз корхонани, алоҳида бўлинмаларни тугатишга ёхуд унинг фаолият соҳасини ўзгартиришга, шунингдек, иш жойларини қисқартиришга сабаб бўладиган ишлаб чиқаришни қисман ёки батамом тўхтатиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Касаба союз органлари ходимларни бўшатиб олиш, уларни қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш чоғида Қонун талабларига риоя этилишини назорат қиладилар, кадрлардан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида таклифлар киритадилар.

Корхона, ташкилотнинг касаба союз комитети меҳнат коллективларининг корхонада, ташкилотда раҳбар ходимлар номзодини танлаш ва ана шу ходимларни сайлашда қатнашади, мазкур лавозимларга номзодлар кўрсатади. Корхона, муассаса, ташкилотнинг раҳбарлик лавозимларига ходимлар сайлаб қўйилмаган тақдирда бундай ходимларни маъмурият касаба союз комитети ва меҳнат коллективи кенгаши билан келишилган ҳолда тайинлайди.

Корхона, муассаса, ташкилот касаба союз комитетининг розилигисиз корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмайди, ССР Иттифоқининг қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Корхона, муассаса, ташкилот касаба союз комитетининг ходимни ишдан бўшатишга розилик бермаслик тўғрисидаги қарори давлат органи ёки суд томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

**12-модда. Касаба союзларининг меҳнат шароитини белгилашдаги ҳуқуқлари**

Давлат органлари касаба союзлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини белгилайдилар, шунингдек, Қонунда кўзда тутилган ҳолларда меҳнат тўғрисидаги Қонунни қўллайдилар.

Давлат органлари ВЦСПС билан, республика касаба союзлари советлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тартибини, иш вақти ва дам олиш вақтининг давомийлигини ҳамда ишчи ва хизматчилар меҳнатининг бошқа муҳим шарт-шароитларини белгиловчи қонун нормаларини ишлаб чиқадилар.

Министрликлар ва идоралар касаба союзларининг марказий комитетлари билан биргаликда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича меҳнат шароитларини тартибга солиш хусусиятларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар, зарур бўлган ҳолларда эса СССР Министрлар Советига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига тегишли таклифларни киритадилар.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети билан келишган ҳолда маъмурият қонунга мувофиқ корхонада, муассаса, ташкилотда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи нормаларни белгилайди. Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, касаба союз комитети ва меҳнат коллективи кенгаши билан биргаликда ўз маблағлари ҳисобига ишчи ва хизматчилар учун қонунга нисбатан қўшимча меҳнат имтиёзи ва социал-маиший имтиёзларни белгилаши мумкин.

Ички меҳнат тартибининг типовой қоидалари ВЦСПС билан биргаликда, тармоқ қоидалари, маънавий ва моддий рағбатлантириш, интизомий жавобгарлик чоралари эса касаба союзларининг марказий комитетлари билан биргаликда тасдиқланади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини тармоқ қоидаларига мувофиқ маъмурият корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети билан биргаликда ишлаб чиқади ҳамда у меҳнат коллективининг умумий йиғилиши (конференцияси) тасдиқлаши учун тақдим этади.

**13-модда. Касаба союзларининг иқтисодий ва социал ривожланишни планлаштиришдаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари халқ хўжалигини, тармоқлар, регионлар, корхоналар ва ташкилотларни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришни планлаштиришда қатнашадилар, социал соҳани устун даражада ривожлантириш, меҳнат, турмуш шароитларини яхшилаш билан, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш билан боғлиқ масалаларни комплекс ҳал этиш тўғрисида таклифлар киритадилар.

ВЦСПС ва касаба союзларининг марказий комитетлари мустақил равишда ёки давлат бошқарувининг тегишли марказий органлари билан биргаликда СССР Министрлар Советига, СССР Госпланига халқ хўжалиги тармоқларини ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган таклифларини киритадилар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Асосий йўналишларининг, социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш Комплекс программасининг, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашадилар.

СССР ҳамда иттифоқдош республикаларни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг лойиҳаси СССР, иттифоқдош республика Олий Советига тақдим этилишидан олдин унинг ғоят муҳим социал кўрсаткичларга тааллуқли қисмини ВЦСПС ёки тегишли республика касаба союзлари Совети кўриб чиқиши лозим.

ВЦСПС ҳамда республика касаба союзларининг советлари билан келишган ҳолда аҳолининг уй-жой, даволаш-профилактика муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, клублар ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаси объектлари билан таъминланишнинг социал нормативлари белгиланади.

Касаба союзларининг советлари тегишли республика, маҳаллий бошқарув органларига иттифоқдош, автоном республикаларни, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районларни иқтисодий ва социал ривожлантириш Комплекс планларининг лойиҳаларига тегишли территорияда жойлашган ҳамда қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотларни ривожлантиришни эътиборга олиб таклифлар киритадилар.

Корхона, ташкилотни иқтисодий ва социал ривожлантириш плани (иш плани) лойиҳасини маъмурият, меҳнат коллективи кенгаши, касаба союз комитети томонидан биргаликда ишлаб чиқилади ҳамда меҳнат коллективининг умумий йиғилиши (конференцияси) кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Касаба союз органлари, касаба союз комитетлари раисларининг тармоқ кенгашлари хўжалик раҳбарларининг иқтисодий ва социал ривожланиш планларининг социал кўрсаткичларга тааллуқли қисми қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш, зарур ҳолларда ана шу планларнинг бажарилишини таъминламаётган раҳбарларнинг лавозимини пасайтириш ёки жазолаш ҳақидаги масалани тегишли органлар олдига қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

**14-модда. Касаба союзларининг даромад (фойда)ни, иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш ва сарфлаш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари даромад (фойда)ни тақсимлаш, иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлаш) ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби ва нормативларини белгилашда иштирок этадилар, ана шу фондларнинг маблағларидан қандай фойдаланилаётганлигини контрол қилиб турадилар.

Давлат бошқарувининг тегишли марказий органлари ВЦСПС билан биргаликда даромад (фойда)ни тақсимлаш тўғрисидаги, иш ҳақи (меҳнатга ҳақ тўлаш) ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини, марказлаштирилган фондлар ва резервларни ҳосил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақидаги Низомларни, шунингдек даромад (фойда)ни тақсимлаш нормативларини ишлаб чиқиб тасдиқлайдилар.

Министрликлар ва идоралар касаба союзларининг марказий ҳамда республика комитетлари билан биргаликда даромад (фойда)ни, марказлаштирилган фондлар ва резервларга ажратмаларни тақсимлаш, корхоналар, ташкилотлар бўйича иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш нормативларини белгилайдилар; марказлаштирилган фондлар ва резервлардан фойдаланишга оид йўналишларни аниқлайдилар.

Моддий рағбатлантириш фондини (меҳнатга ҳақ тўлаш фондини), социал ривожланиш фондини, ишлаб чиқаришни, илм-фан ва техникани ривожлантириш фонди ёки бошқа шунга ўхшаш фондларни сарфлаш сметаларини меҳнат коллективи муҳокама қилиб, маъқуллагандан кейин у корхона (бирлашма), ташкилот маъмурияти, меҳнат коллективи кенгаши ва касаба союз комитетининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Корхона (бирлашма), ташкилот маъмурияти меҳнат коллективи кенгаши ва касаба союз комитети билан биргаликда структуравий бирликлар, бўлинмалар ички хўжалик ҳисобига ёки коллектив (ижара) пудратига ўтказилиши чоғида уларга иқтисодий нормативларни белгилайди.

**15-модда. Касаба союзларининг нарх белгилаш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари халқ истеъмоли молларининг чакана нархларини ва аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда, нархлар ва тарифларнинг қўлланилиши устидан контрол қилишда иштирок этадилар; касаба союзларининг санаторий-курорт муассасаларига, дам олиш муассасаларига, туристик базаларига йўлланмаларнинг нархларини тасдиқлайдилар. Идораларга қарашли шифохоналарга ва пионер лагерларига йўлланмаларнинг нархлари касаба союз органлари билан келишган ҳолда белгиланади.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўлмаган халқ истеъмоли молларининг амалдаги нархларини ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифларини ўзгартириш ва янги нарх ҳамда тарифларни белгилаш ишларини СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ВЦСПС билан ёки тегишли республика касаба союзларининг советлари билан келишган ҳолда амалга оширади.

Касаба союзларининг ўлка, область советлари нарх белгиловчи маҳаллий органларни жалб этиб, давлат корхоналари ва ташкилотларининг халқ истеъмоли молларига чакана нархларни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифларини иқтисодий жиҳатдан асоссиз белгилаш тўғрисидаги қарорларини, шунингдек, буюмларнинг истеъмол ҳоссалари ва сифати тегишли тарзда яхшиланмай туриб, нархлар оширилган ҳолларда товарларнинг сотилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар.

Кооперативлар иқтисодий жиҳатдан асоссиз оширилган нархларни белгилаганлари тақдирда касаба союзларининг ишчи контроли бундай кооперативларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир.

**16-модда. Касаба союзларининг коллектив шартномалар ва битимлар тузишдаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари меҳнат коллективи турмушининг иқтисодий ҳамда социал масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини коллектив шартнома орқали ҳимоя қиладилар.

Корхона, ташкилотнинг касаба союз комитети коллектив шартнома меҳнат коллективининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъқуллангандан кейин корхона, ташкилот маъмурияти билан меҳнат коллективи номидан шундай шартнома тузади.

Касаба союзлари давлат ва хўжалик органлари билан биргаликда коллектив шартномалар тузишга доир ишларни ташкил этадилар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиб турадилар. Коллектив шартномаларни тузиш тартибини ВЦСПС СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан биргаликда белгилайди.

ВЦСПС, касаба союзларининг советлари СССРни, иттифоқдош ва автоном республикаларни, ўлкалар, областларни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг айрим масалалари юзасидан тегишли тарзда СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ҳамда автоном республикаларнинг Министрлар Советлари билан, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари билан битимлар тузишлари мумкин.

Касаба союзларининг марказий ва республика комитетлари халқ хўжалиги тармоқларини иқтисодий ва социал ривожлантириш масалалари хусусида министрликлар, идоралар билан битимлар тузишга ҳақлидирлар.

**17-модда. Касаба союзларининг меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш масалаларини ҳал этишда қатнашадилар.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ВЦСПС билан биргаликда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, халқ хўжалигида меҳнатни ташкил этиш ҳамда нормалашнинг асосий қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Министрликлар, идоралар касаба союзларининг марказий ва республика комитетлари билан келишган ҳолда меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларидан корхона ва ташкилотларда фойдаланишга тавсия этадилар, меҳнатнинг ягона ва типовой тармоқ (идоравий) нормаларини тасдиқлайдилар.

Меҳнат нормаларини жорий этиш, алмаштириш ва қайта кўриб чиқиш корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан касаба союз комитети билан келишган ҳолда амалга оширилади.

**18-модда. Касаба союзларининг меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасидаги ҳуқуқлари**

СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ягона сиёсат ўтказиш, иш ҳақини тартибга солиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда унинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширади, моддий ва маънавий омилларнинг узвийлигини таъминлайди.

Касаба союзлари иш ҳақининг давлат томонидан нормалаштирилишида қатнашадилар, меҳнатга ҳақ тўлаш системалари, моддий рағбатлантириш, маблағлардан меҳнатга ҳақ тўлашда фойдаланиш ва меҳнаткашлар билан ҳисоб-китоб қилиш формалари тўғри қўлланилишини назорат қиладилар.

Давлат бошқарувининг марказий органлари ВЦСПС билан биргаликда тариф системасини такомиллаштирадилар, жумладан, тармоқлар ва ходимларнинг категориялари бўйича меҳнат ҳақига, ставка ва окладларни ошириш миқдорларига, мукофотга ҳамда рағбатлантирувчи устама ҳақ ва қўшимча ҳақларни белгилашга ўзгартишлар киритадилар. Шунингдек, иш ҳақини районлар бўйича тартибга соладилар, меҳнатга ҳақ тўлаш учун маблағлар ҳосил қилиш нормативларини белгилайдилар.

Министрликлар, идоралар касаба союзларининг марказий ҳамда республика комитетлари билан келишган ҳолда корхоналар, ташкилотлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш учун маблағлар ҳосил қилиш нормативларини, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбар ходимларини мукофотлаш шартларини белгилайдилар.

Корхоналарда, муассасалар, ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш системалари ва моддий рағбатлантириш шакллари касаба союз комитети билан келишган ҳолда белгиланади.

Ходимларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ уларнинг шахсий ҳиссасига мувофиқ бўлишини таъминлаш масалаларига доир қарорларни меҳнат коллективининг кенгаши корхона, ташкилотнинг касаба союз комитети билан биргаликда қабул қилади.

**19-модда. Касаба союзларининг социалистик мусобақани ташкил этишдаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари давлат ва хўжалик органлари билан биргаликда меҳнаткашларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий активлигини авж олдирадилар, социалистик мусобақани ташкил этадилар, унинг энг муҳим шакли бўлмиш иқтисодий мусобақани ривожлантириш учун шарт-шароит вужудга келтирадилар.

СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда социалистик мусобақани ривожлантириш ва унинг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўради.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети меҳнат коллективи кенгаши, партия ва комсомол ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари билан биргаликда социалистик мусобақа шартларини тасдиқлайди ҳамда унинг якунларини чиқаради, маъмурият билан биргаликда социалистик мусобақани ташкил қилади, унинг якунларини кенг оммалаштиради, илғор тажрибани ёяди.

**20-модда. Касаба союзларининг меҳнаткашлар техникавий ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари давлат ва хўжалик органлари билан биргаликда оммавий техникавий ижодкорликни, ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантирадилар, жамоат ижодий ташкилотлари тузилишига, фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишига кўмаклашадилар, ана шу вазифаларни ҳал этишда Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг, СССР илмий ва инженерлик жамиятлари союзининг ташкилотлари билан ҳамкорлик қиладилар.

ВЦСПС билан келишган ҳолда кашфиётлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари учун мукофот пулини тўлаш, шунингдек ихтирочилик ва рационализаторликка кўмаклашганлик учун мукофотлаш тартиби белгиланади.

Корхона, ташкилотнинг касаба союз комитети ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан ўз вақтида фойдаланилишини, авторга мукофот пули тўланишини контрол қилади.

(Давоми учинчи бетда).

*ЛОЙИҲА*

# СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА
# С С С Р Қ О Н У Н И

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

**21-модда. Касаба союзларининг меҳнатни муҳофаза этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг, бошқа кооператив ташкилотлар аъзоларининг, ўқувчиларнинг соғлом ва бехатар меҳнат шароитлари, ишловчиларнинг ишлаб чиқаришдаги тегишли маиший шароити таъминланишини, атроф-муҳит муҳофаза этилишини назорат ва контрол қиладилар.

ВЦСПС, касаба союзларининг марказий комитетлари ҳамда республика советлари тегишли давлат органларининг янги техника, технологияни яратиш, янги корхоналар ва ишлаб чиқаришларни лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишлаб турганларини реконструкциялаш, меҳнатни ташкил этишни ҳамда унинг шароитларини яхшилаш чоғида социал нормативларни ишлаб чиқишда қатнашадилар.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ВЦСПС билан биргаликда меҳнат шароитлари ноқулай бўлган тақдирда компенсация тўловлари ва имтиёзлар бериш, шунингдек ишловчиларни хатарли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тартибини тасдиқлайди.

ВЦСПС билан биргаликда ёки у билан келишган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ягона ёки тармоқлараро қоидалар (хавфсизлик техникаси қоидалари, санитария нормалари ҳамда қоидалари ва бошқалар) тасдиқланади.* Одамлар меҳнатининг хавфсизлигини ва уларнинг соғлиғини сақлашни таъминлаш билан боғлиқ бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги тармоқ нормалари ва қоидалари, давлат стандартларининг талаблари тармоқ бошқарув органлари, давлат назорати органлари томонидан тегишли касаба союзларининг марказий комитетлари билан биргаликда ёки улар билан келишган ҳолда тасдиқланади.

Қурилиш майдонларидаги, ишлаб чиқариш биноларидаги хулқ-атворни, ишларни бажариш қоидаларини белгиловчи меҳнатни муҳофаза қилиш инструкциясини маъмурият корхона муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети билан биргаликда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Касаба союз органларининг вакиллари ва меҳнатнинг техникавий инспекцияси ишлаб чиқариш объектларини фойдаланиш учун қабул қилувчи давлат комиссияларининг ишида қатнашадилар, ишга тушириладиган комплексларнинг таркибини келишиб оладилар. Уларнинг ижозатисиз мазкур объектларнинг ишга туширилишига, шунингдек социал-маиший объектлар, меҳнатни муҳофаза этиш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш объектлари ишга тушириладиган комплекслар таркибидан чиқариб ташланишига йўл қўйилмайди.

Меҳнатнинг техникавий инспекцияси корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларнинг лойиҳалари, шунингдек ишлаб чиқарилаётган техника ва технология жараёнлари меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ эканлигини текшириб туриш, уларга зарур ўзгартишлар киритилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Касаба союз органлари ВЦСПС белгилайдиган тартибда давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларида, уларга қарашли бўлинмаларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган, авария вазияти, одамларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф-хатар вужудга келган тақдирда уларнинг ишини тўхтатиб қўйиш, корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети эса бундай ҳолларда айрим иш жойлари ва участкалардаги ишларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар. Касаба союзларининг вакиллари, меҳнатнинг техникавий инспекцияси ишлаб чиқаришдаги авариялар ва бахтсиз ҳодисаларни тафтиш қилишда қатнашадилар ҳамда уларнинг сабаблари тўғрисида хулосалар, шунингдек хўжалик органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмурияти учун мажбурий бўлган кўрсатма берадилар.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва йўл-йўриқларга, иш вақти ва дам олиш вақти режимларига риоя этилишини, меҳнат шароитларини яхшилаш учун ажратилган маблағлардан фойдаланилишини контрол қилади.

**22-модда. Касаба союзларининг социал страхование ва меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари социал страхованиени, шунингдек ўз қарамоғида бўлган санаторий-курорт муассасаларини санаторий-профилакторийлар ҳамда дам олиш муассасаларини бошқарадилар; соғлиқни сақлаш ҳамда социал-таъминот органлари ва муассасаларининг иши устидан жамоат контролини амалга оширадилар.

ВЦСПС давлат социал страхованиесининг бюджетини тасдиқлайди; тегишли давлат органлари билан биргаликда социал страхование взносларининг тарифлари ҳақидаги, социал страхование, пенсия таъминоти, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлаш, уруш ва меҳнат ветеранларига социал-маданий ҳамда маиший хизмат соҳасида умумдавлат тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советига тақдим этади.

СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда социал страхование взносларини тўлаш тартибини, социал страхование бўйича нафақалар беришнинг асосий шартлари ва миқдорларини, шунингдек ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибини тасдиқлайди.

ВЦСПС социал страхование ҳамда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини сақлаш масалаларига доир норматив актларни ишлаб чиқиб, мустақил равишда ёки тегишли давлат органлари билан биргаликда тасдиқлайди; қайси идорага қарашли бўлишдан қатъи назар санаторий-курорт муассасалари билан дам олиш муассасаларининг оқилона жойлаштирилиши, курортларнинг табиий шифобахш ресурсларини муҳофаза қилиш масалаларини давлат бошқаруви органлари, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда ҳал этади.

Касаба союз органлари страхование взносларини қўшиш, социал страхование маблағларини сарфлаш тартибини бузганлиги учун ўзини страхование қилган кишиларга нисбатан чоралар кўриш; давлат ҳамда хўжалик органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан биргаликда медицина-санитария ёрдамини ташкил этишни яхшилаш, касалликларнинг, инвалидликнинг олдини олиш ва уларни камайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, даволаш-профилактика ҳамда соғломлаштириш муассасаларини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги комплекс территориал ва тармоқ программаларини ишлаб чиқиб, амалга оширишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети:

ишчилар, хизматчилар, колхозчиларни, кооператив ташкилотларнинг аъзоларини ҳамда социал страхование дахл қиладиган бошқа шахсларни социал страхование қилади, шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағларни тасарруф этади; корхона, муассаса, ташкилот страхование взносларини ўз вақтида ва тўла-тўкис тўлашини контрол қилинади; нафақалар тайинлайди; меҳнаткашларни пенсия тайинлашга тақдим этади; меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзоларини санаторий-курортда даволанишга ҳамда дам олишга юборади; уруш, меҳнат ветеранлари, пенсионерлар, инвалидлар ва ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига қурилган медицина-санитария қисмлари ҳамда бошқа даволаш-профилактика ва соғломлаштириш муассасалари касаба союз комитетининг розилигисиз олиб қўйилишига, бирлаштирилишига, соҳасини ўзгартириши ёки қайта ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

Касаба союз ташкилотларининг вакиллари халқ депутатлари район (шаҳар) Советларининг ижроия комитетлари ҳузуридаги пенсия тайинлаш комиссияларининг, врачлик-меҳнат эксперт комиссиялари (ВТЭК)нинг ишида қатнашадилар.

**23-модда. Касаба союзларининг меҳнаткашларга уй-жой-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ВЦСПС билан биргаликда турар-жой биноларини бериш, коммунал-маиший хизмат ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш, улардан фойдаланиш ва ҳақ тўлашнинг асосий қоидаларини белгилайдилар. Министрликлар ва идоралар касаба союзларининг марказий комитетлари билан келишган ҳолда уй-жойлар, мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда бошқа социал объектлар қурилиши тўғрисида, уй-жой фондининг сақланишини таъминлаш ва унинг ободлигини яхшилаш ҳақида, давлат капитал маблағлари ҳисобига умумий овқатланиш, савдо тармоқларини ҳамда меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа корхоналарини ривожлантириш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар Советларининг ижроия комитетлари касаба союз советларининг иштирокида уй-жой фондини қуриш ва ремонт қилиш, мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумий овқатланиш тармоғини ҳамда хизмат соҳасининг бошқа корхоналарини ривожлантириш планларини белгилайдилар.

Касаба союз советлари ва касаба союз комитетларининг вакиллари барпо этилган уй-жой бинолари ва социал-маиший объектларни фойдаланишга қабул қилиб олувчи давлат комиссияларининг составига киритиладилар. Тегишли касаба союз органлари вакилларининг имзоси бўлмаса, қабул комиссияларининг ҳужжатлари ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка, область, шаҳар советларининг ижроия комитетлари касаба союзларининг советлари билан биргаликда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш ва уларга турар жой бинолари бериш қоидаларини тасдиқлайдилар. Касаба союз органлари корхоналарда, муассасалар, ташкилотларда турар жой майдони тақсимланишини контрол қиладилар, ушбу масалаларни ҳал этишда ошкораликни ва меҳнат коллективларининг иштирок қилишини таъминлайдилар.

Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти касаба союз комитети билан биргаликда:

уй-жойларни барпо этиш ва ремонт қилиш, мактабгача тарбия болалар муассасаларини, умумий овқатланиш, савдо тармоқларини ҳамда меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа корхоналарини социал ривожланиш фонди маблағлари, банк кредитлари ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан ривожлантириш планларининг лойиҳаларини тайёрлаб, меҳнат коллективининг умумий йиғилиши (конференцияси) кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақдим этади ҳамда меҳнаткашларнинг иш жойида уларга хизмат қилувчи корхоналарнинг энг қулай иш режимини белгилайди;

уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларини ташкил қилиш масалаларини ҳал этади, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишига ҳамда бошқа эҳтиёжлар учун социал ривожланиш фонди ва шу мақсадлар учун мўлжалланган бошқа маблағлар ҳисобидан ходимларга ёрдам бериш тўғрисида меҳнат коллективига таклифлар киритади;

уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларни иш жойида ҳисобга олади, уларни уй-жой олиш учун навбатга қўйиш ҳақида ва турар жой бинолари бериш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини тузиш, уларнинг маҳсулотидан меҳнаткашларнинг озиқ-овқатини яхшилаш учун фойдаланиш тўғрисида, шунингдек боғдорчилик ширкатлари ва полизчилар коллективларини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Касаба союзлари савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда ташкилотларининг фаолияти устидан ишчи контролини амалга ошириб, бунга меҳнаткашларнинг кенг оммасини жалб этади.

**24-модда. Касаба союзларининг тарбия, таълим, маданият, спорт ва туризм соҳасидаги ҳуқуқлари**

Давлат органлари касаба союзлари билан биргаликда меҳнаткашларни тарбиялаш, уларнинг таълими, маданият, спорт ва туризм соҳасидаги энг муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қиладилар.

Касаба союзлари меҳнаткашлар билан оила аъзоларининг дам олишини, физкультура-спорт ишларини, болаларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштиришни ташкил этадилар, туризмни, халқаро маданий алоқаларни ривожлантирадилар.

Касаба союз ташкилотлари мустақил равишда ёки халқ депутатлари Советлари, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда юридик шахс ҳуқуқи бўлган маданий-маърифий, театр-томоша, физкультура-спорт, мактабдан ташқари болалар муассасалари, ҳаваскорлик бирлашмалари, дам олишни ташкил қилувчи кооперативлар, хўжалик ҳисобидаги марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар; корхоналарга, муассасалар, ташкилотларга ва ўқув юртларига қарашли маданий-маърифий, театр-томоша, спорт, туристик муассасаларининг, маданият-спорт комплексларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

**25-модда. Касаба союзларининг ноширлик фаолиятидаги, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишдаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари мустақил равишда ёки бошқа жамоат ташкилотлари ва давлат органлари билан биргаликда газеталар, журналлар, китоблар нашр этиш, телевидение ва радио орқали кўрсатув ҳамда эшиттиришларни уюштириш, бошқа оммавий ахборот ва пропаганда воситаларидан фойдаланиш, ўзининг полиграфия базасини вужудга келтириш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадирлар.

## IV боб. Меҳнат тўғрисидаги қонунларга, меҳнаткашларнинг бошқа социал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан касаба союзларининг назорати ва контроли

**26-модда. Касаба союзларининг қонунларга риоя этилиши устидан назорат ва контролни амалга ошириш ҳуқуқи**

Касаба союзлари меҳнат тўғрисидаги қонунларга, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидаларга риоя этилиши устидан назорат ва контролни амалга оширадилар, соғлиқни сақлаш, социал таъминот тўғрисидаги, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш ҳамда турар жой биноларини бериш тартиби ҳақидаги қонунларга, шунингдек корхоналар ва ташкилотларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини контрол қиладилар.

ВЦСПС тасдиқлайдиган низомлар асосида ҳаракат қилувчи меҳнатнинг техникавий ва ҳуқуқий инспекцияси ишончли врачлар касаба союзларининг ихтиёрида бўладилар. Жамоатчи инспекторларнинг, касаба союз комитети комиссияларининг контролни амалга ошириш тартиби ВЦСПС тасдиқлайдиган низомлар билан белгиланади.

**27-модда. Касаба союзларининг қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида қўлланадиган чоралари**

Меҳнат тўғрисидаги қонунларни, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга меҳнатнинг ҳуқуқий ва техникавий инспекциялари белгиланган тартибда жарима солишга ҳақлидирлар.

Касаба союзлари судга даъволар тақдим этишга, аризалар беришга ҳамда меҳнаткашларнинг меҳнат ва уй-жой ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиб чиқишга ҳақлидирлар, ушбу масалаларда меҳнаткашларга ҳуқуқий ёрдам берадилар.

Маъмурият касаба союз органининг (район даражасидан паст бўлмаслиги керак), касаба союз комитетлари раисларининг тармоқ кенгаши ёки район касаба союз комитетининг ҳуқуқлари бериб қўйилган касаба союз комитетининг талабига биноан агар раҳбар ходим меҳнат тўғрисидаги қонунларни, турар жой биноларини бериш қоидаларини бузаётган, коллектив шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаётган, касаба союзларининг ишчи контролини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, бюрократизмга, сансалорликка йўл қўяётган тақдирда у билан меҳнат шартномасини бекор қилиши ёхуд уни лавозимидан олиб ташлаши шарт. Меҳнат коллективи лавозимга сайлаб қўйган раҳбар ходимлар касаба союз органининг (район даражасидан паст бўлмаслиги керак), касаба союз комитетлари раисларининг тармоқ кенгаши ёки район касаба союз комитетининг ҳуқуқлари бериб қўйилган касаба союз комитетининг талабига биноан, тегишли меҳнат коллективи умумий йиғилиши (конференцияси) ёхуд унинг ваколати билан — меҳнат коллективи кенгашининг қарори асосида бўшатиладилар. Кооператив ташкилотларнинг раҳбарлари касаба союз органининг (район даражасидан паст бўлмаслиги керак), касаба союз комитетлари раисларининг тармоқ кенгаши ёки район касаба союз комитетининг ҳуқуқлари бериб қўйилган касаба союз комитетининг талабига биноан кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарори асосида бўшатиладилар.

**28-модда. Касаба союз органларининг давлат, кооператив ва хўжалик органлари раҳбарларининг ахборот ва докладларини тинглаш ҳамда бошқарувга доир қарорларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи**

Касаба союз органлари, касаба союз комитетлари раисларининг тармоқ кенгашлари давлат, кооператив, хўжалик органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг меҳнат, турмуш, дам олиш, маданият масалалари ҳамда социал ривожланишга доир бошқа масалалар хусусидаги ахборотлари ва докладларини тинглаш, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Касаба союз органлари давлат, кооператив ва хўжалик органларининг бошқарувга оид қарорлари касаба союзларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунни бузган ҳолда қабул қилинган, меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини ёки ишчи ва хизматчиларнинг, колхозчиларнинг ҳамда бошқа кооперативлар аъзоларининг меҳнат ва уй-жой ҳуқуқларини бузадиган тақдирда уларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидирлар.

Бошқарувга оид қарорнинг амал қилиши уни қабул қилган орган тегишли ёки юқори касаба союз органининг асосли қарорини олган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

Давлат, кооператив, хўжалик органи касаба союз органининг асосли қарорини олган пайтдан бошлаб 7 кунгача муддат ичида тўхтатиб қўйилган қарорни бекор қилади, касаба союз органининг қарорига қўшилмаган тақдирда эса худди шу муддат ичида ўзининг юқори органига мурожаат қилади.

Юқори давлат, хўжалик органи тўхтатиб қўйилганликни асосли деб топиб, қуйи органнинг қарорини бекор қилади. Зарур ҳолларда масалани юқори давлат, хўжалик органи ва тегишли касаба союз органи кўриб чиқади. Биргаликда кўриб чиқиш натижалари бўйича юқори давлат, хўжалик органи тўхтатиб қўйилган қарорни бекор қилади ёки тегишли касаба союз органи бошқарувга оид қарорни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қарорни бекор этади.

**29-модда. Касаба союзларининг меҳнат низоларини кўриб чиқишдаги ҳуқуқлари**

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети меҳнат низолари билан шуғулланувчи комиссиянинг қарорларига ишчи ва хизматчилар ёки маъмуриятнинг аризалари юзасидан меҳнат низоларини кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар қабул қилади, комиссияларнинг қарорларини ва касаба союз комитети қабул қилган қарорларни маъмурият ижро этмаган тақдирда уларни мажбурий равишда ижро этиш учун ижара варақаси кучига эга бўлган гувоҳномалар беради.

Корхона, муассаса, ташкилотнинг касаба союз комитети меҳнат коллективи билан маъмурият ўртасида меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунларни қўлланиш, шунингдек коллектив шартномада кўзда тутилган меҳнат шароити ва унга ҳақ тўлаш шартларига риоя этиш масалалари юзасидан коллектив меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнашади.

Касаба союз комитетининг вакиллари меҳнат коллективи билан маъмурият ўртасидаги коллектив меҳнат низоларини кўриб чиқиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилотда тузиладиган яраш комиссияси составига, тегишли юқори касаба союз органининг вакиллари эса областларга бўлинмаган иттифоқдош республика, автоном республика олий суди, область (шаҳар) суди ҳузуридаги меҳнат арбитражи составига киритиладилар.

Меҳнат арбитражи яраш комиссиясида битимга эришилмаган, комиссиянинг қарорини томонлардан бири ижро этмаган тақдирда, шунингдек қабул қилинган қарор амалдаги қонунларга зид бўлган тақдирда касаба союз комитетининг аризасига биноан ва унинг иштирокида коллектив меҳнат низоларини кўриб чиқади.

Меҳнат коллективининг манфаатларини ифода этувчи касаба союз комитети меҳнат низосини кўриб чиқиш борасида қонун билан белгиланган тартиб бузилганда ёки маъмурият эришилган аҳдлашувни ёхуд меҳнат арбитражининг қарорини бажармаганда корхона, ташкилот, муассасадаги ишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

## V боб. Касаба союзларининг ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатлари

**30-модда. Давлат ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ҳамда мансабдор шахсларнинг касаба союзлари ҳуқуқларига риоя этиш соҳасидаги бурчлари**

Касаба союзларининг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар касаба союзларининг ҳуқуқларига риоя этишлари шарт.

Касаба союзларнинг ҳуқуқлари бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунда белгиланган тартибда интизомий, маъмурий, жиноий жавобгар бўладилар.

Касаба союзлари мазкур шахсларнинг жавобгарликка тортилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

**31-модда. Касаба союзларининг мулкий ҳуқуқлари**

Касаба союзлари эгалик ҳуқуқи билан ўзларига тегишли мол-мулк ва пул маблағларига эга бўладилар, улардан фойдаланадилар ҳамда тасарруф этадилар.

Касаба союз органларининг ёки касаба союзларига қарашли ташкилотларнинг балансида бўлган корхоналар, бинолар, уй-жойлар ва иншоотлар, маданий-маърифий, санаторий-курорт, спорт-соғломлаштириш, туристик-экскурсия муассасалари, ўқув юртлари, нашриётлар ҳамда бошқа муассасалар улардаги асбоб-ускуналари билан, маданий-маърифий фондлар, пул маблағлари, шунингдек уларнинг фаолияти мақсадларига мувофиқ келадиган ва уларга қарашли бўлган бошқа мол-мулклар касаба союзларининг мулки ҳисобланади.

Касаба союзларига тегишли корхоналар, бинолар, иншоотларга ҳамда асосий воситаларга тааллуқли бошқа мол-мулкка, шунингдек маданий-маърифий фондларга кредит берувчиларнинг даъволари бўйича жарима солиниши мумкин эмас. Ана шу мол-мулк ва фондлар тегишли касаба союз органларининг розилигисиз олиб қўйилмаслиги ёки бировга топширилмаслиги керак.

Касаба союзлари коллектив шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан мулкий жавобгар бўлмайдилар, давлат, кооператив ташкилотлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, худди шунингдек давлат, унинг органлари ва ташкилотлари ҳам касаба союзларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

**32-модда. Касаба союзларининг молиявий фаолиятни амалга оширишдаги ҳуқуқлари**

Касаба союзлари, уларга қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар молиявий фаолиятда давлат органларига ҳисоб бермайдилар ва улар назоратида бўлмайдилар.

ВЦСПС, касаба союзларининг советлари ва марказий комитетлари ўз ихтиёрида бўлган пул маблағларидан, мол-мулк ва моддий бойликлардан фойдаланиш тартиби ҳамда йўналишларини мустақил равишда аниқлайдилар, ўз ходимларининг иш ҳақи фондларини ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилайдилар.

Касаба союзлари, уларнинг маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш муассасалари давлат даромадига солиқ, йиғим ва ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

**33-модда. Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг касаба союз комитети фаолияти учун моддий шароитни яратиш соҳасидаги бурчлари**

Корхона, муассаса, ташкилотнинг маъмурияти касаба союз комитетига белгиланган тартибда бепул фойдаланиш учун:

касаба союз комитетининг иши, йиғилишлар, бошқа жамоат тадбирларини ўтказиш учун хона, шунингдек транспорт воситалари, ҳисоб техникаси ва ташкилий техниканинг, алоқа воситаларини;

корхона, муассаса, ташкилотнинг балансида бўлган ёки улар ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оилалари билан маданий-тарбиявий, физкультура ва даволаш-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш базаларини, пионер лагерлари ва соғломлаштириш лагерларини бериб қўйиши шарт.

Мазкур объектлар учун асбоб-ускуна, маданий ва спорт жиҳозлари корхона, муассаса, ташкилотнинг ҳисобидан сотиб олинади, хўжалик жиҳатидан қаровга олинади, ремонт қилинади ва ишлатилади.

Корхоналар ва ташкилотлар маданий-тарбиявий, мактабдан ташқари ва физкультура-спорт ишларини ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларнинг маданий дам олишини ташкил этиш учун касаба союз комитетига белгиланган миқдорда маблағ ажратиши шарт.

**34-модда. Сайлаб қўйиладиган касаба союз ходимлари ва касаба союз активлари учун кафолатлар**

Касаба союз органлари составига сайланган ишчи ва хизматчиларга улар СССР Касаба союзларининг Уставида кўзда тутилган жамоат вазифаларини бажараётган вақтларида сайлаб қўйиладиган ходимлар учун қонунда кўзда тутилган барча кафолатлар, шунингдек ушбу моддада кўзда тутилган қўшимча кафолатлар берилади.

Сайлаб қўйиладиган касаба союз органларининг аъзолари касаба союз органлари томонидан чақириладиган съездларда, конференцияларда, пленумларда делегат сифатида қатнашган вақти учун ўртача маоши сақланиб қолган ҳолда ишдан озод қилинадилар. Ўзларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод қилинмаган корхоналар, муассасалар ташкилотлардаги касаба союз комитетларининг раисларига ҳамда сайлаб қўйиладиган бошқа касаба союз органларининг аъзоларига, шунингдек касаба союз активларига коллектив манфаатларини кўзлаб жамоат вазифаларини бажаришлари учун меҳнат коллективининг қарори билан коллектив шартномада белгиланадиган шартлар асосида ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда ишдан бўш вақт берилиши мумкин.

Касаба союз органи составига сайланган ҳамда ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган ишчи ва хизматчиларга улар аъзо бўлган касаба союз органининг олдиндан розилигисиз, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар касаба союз комитетларининг, касаба союзлари цех комитетларининг раисларига, касаба союз ташкилотчилари ва касаба союз группа ташкилотчиларига эса юқори касаба союз органининг олдиндан розилигисиз интизомий жазо берилиши мумкин эмас. Касаба союз органларининг составига сайланган ҳамда ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган ишчи ва хизматчиларни маъмурият ишдан бўшатишнинг умумий тартибига риоя этиш билан бирга, улар аъзо бўлган касаба союз органининг олдиндан розилиги билангина, касаба союз комитетларининг раисларини ва аъзоларини эса — бундан ташқари юқори касаба союз органининг розилиги билангина ўз ташаббусига кўра ишдан бўшата олиши мумкин. Маъмуриятнинг ташаббуси билан касаба союз ташкилотчиларининг ва касаба союз группа ташкилотчиларининг ишдан бўшатилишига юқори касаба союз органининг розилиги билангина йўл қўйилади.

Касаба союз органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги сабабли ишдан озод қилинган ишчи ва хизматчиларга уларнинг сайлаб қўйилган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин аввалги иши (лавозим), ходимнинг розилиги билан эса ўша ёки ўзга корхона, муассаса, ташкилотда бир хилдаги бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба союз органлари составига сайланган ишчи ва хизматчиларни касаба союз органларига сайлаб қўйилган ваколатлари тугагандан кейин икки йил мобайнида маъмуриятнинг ташаббусига кўра ишдан бўшатишга ушбу моддада кўзда тутилган тартибдагина йўл қўйилади.

Касаба союз органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганликлари сабабли ишдан озод қилинган ишчи ва хизматчиларнинг аввалги иш жойида уй-жой олиш учун ҳисобда туриш ҳуқуқи сақланиб қолади.

## VI боб. Якунловчи қоидалар

**35-модда. Касаба союз органлари билан давлат, хўжалик органлари, меҳнат коллективи органлари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш тартиби**

Касаба союз комитети билан меҳнат коллективи кенгаши ўртасидаги келишмовчиликлар меҳнат йиғилиши (конференцияси)да кўриб чиқилади.

Касаба союз органлари билан давлат, хўжалик органлари ўртасидаги келишмовчиликлар тегишли юқори органлар ўртасидаги битимга мувофиқ ҳал этилади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонун актлари, СССР Министрлар Совети билан иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳужжатлари касаба союзланинг, меҳнаткашларнинг ёки меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини бузган ҳолда қабул қилинган тақдирда ВЦСПС ҳамда республика касаба союзларининг советлари улардан норози бўлиб СССР конституцион назорат комитетига шикоят аризаси беришлари мумкин.

**36-модда. Ушбу қонуннинг амал қилиш ва уни қўлланиш хусусиятлари**

Ушбу Қонун СССР Касаба союзларининг Уставига мувофиқ иш юритувчи барча касаба союз органлари ва ташкилотларига дахлдордир.

Касаба союзлари ушбу қонун ҳамда бошқа қонун актлари асосида бирлашмалар, колхозларнинг, бошқа кооператив ташкилотларнинг, ўқув юртларининг касаба союз ташкилотларига нисбатан қонунни қўлланиш хусусиятларини ВЦСПС номидан белгилайдилар, сайлаб қўйиладиган касаба союз органларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайдилар.

Ушбу Қонунни халқ хўжалиги айрим тармоқларининг касаба союзларига ҳамда корхоналар ва ташкилотлар айрим турларининг касаба союз ташилотларига нисбатан қўлланиш хусусиятларини ВЦСПС белгилайди, тегишли ҳолларда эса — ВЦСПС СССР Министрлар Совети билан биргаликда аниқлайдиган тартибда белгиланади.

